

O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2013-yil, 2-noyabr. Shanba 131 (31.721)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqarib boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

САМАРҚАНД: ТАРИХ ВА КЕЛАЖАК ЧОРРАҲАСИ

Тарихий илдишларининг чуқурлиги ва қадимийлиги нуқтаи назаридан Самарқанднинг муборак номи Рим ва Афина, Бобил ва Фива каби кўҳна цивилизация марказлари билан ҳақли равишда бир қаторда туради. Лекин улар орасида фақат Самарқанд ва Римгина «абдий барҳаёт шаҳар» деган номга сазовор бўлганини, жаҳон аҳли ўртасида «Ғарбда — Рим, Шарқда — Самарқанд» деган иборанинг кенг тарқалганини инобатга оладиган бўлсак, бу юксак эътирофнинг маъноси янада ёрқин аён бўлади.

Ислом КАРИМОВ



(Давоми 2-бетда.)

●●● Ўзбекистон Халқ демократик партияси маҳаллий кенгашлари Жамоатчилик қабулхоналари аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ташвишлантираётган масалаларни ўрганиш ҳамда ҳал этиш, мурожаат этган фуқароларга ҳуқуқий маслаҳатлар кўрсатишда муҳим тузилма бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳеч бир мурожаат эътибордан четда қолмайди

— Тикувчилик сир-асрорларини яхши билман, — дейди **Хива туманида яшовчи Шукржон Мўминова**. — Бу касбни ёшларга ўргатиш ва қишлоқ аҳлига хизмат қилиш ниятида тикувчилик цехи очмоқчи эдим. Бунинг учун ер олиш, бино қуриш керак. Шу масалада ҳуқуқий кўмак, амалий ёрдам сўраб, Хива туман партия кенгашининг Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилдим. Туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзоси Ҳалима Авезованинг савий-ҳаракати тўғрисида мақсадимга эришдим. Қишлоғимизда бўш турган бинодан фойдаланиб, яқинда иш бошладим.

Партия Жамоатчилик қабулхонасига фуқаролар турли масалалар билан мурожаат қилишади. Кимдир моддий ёрдам, кимдир ўзини ўйлантираётган масалада ҳуқуқий маслаҳат сўрайди, яна биров ҳудуддаги муаммоларни айтиб келади... Мурожаатлар ҳар хил, уларнинг ҳеч бири эътибордан четда қолмаслиги керак.

— Электоратимиз муаммоларини ўрганишда Жамоатчилик қабулхоналарининг ўрни катта, — дейди **Хоразм вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Собирёв Ишчанов**. — Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида шаҳар ва туман партия кенгашлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналарига жами 277 та мурожа-

ат тушган. Улар орасида коммунал соҳа — электр энергияси, газ ёки ичимлик суви таъминотини янада яхшилаш билан боғлиқ мурожаатлар кўпчиликти ташкил этади. Фуқаролар мурожаатларида кўтарилаётган муаммоларни ижобий ҳал қилишда маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз фаоллиги муҳим ўрин тутди. Ўтган даврда депутатларимиз савий-ҳаракати ва тегишли давлат идоралари ёрдамида мурожаатларнинг 80 фоиздан кўпроги ижобий ҳал қилинди. Қолганларига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Тахлилларга кўра, партиянинг Гурлан, Ҳазорасп, Хонқа туман кенгашлари Жамоатчилик қабулхоналарига фуқаролар кўпроқ мурожаат қилишган. Масалан, Хонқа туман кенгаши фаоллари, депутатлар, шунингдек, ҳамкор ташкилотлар иштирокида 43 та мурожаатнинг асосидаги 13 та муаммоларни ҳал қилишда депутатлик назоратини кўчатиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Демак, партия тизимидаги Жамоатчилик қабулхоналари электорат муаммоларини ўрганиб, унга ечим топиш учун курашаётган, депутатлик гуруҳларига таклиф берадиган муҳим восита вазифасини ўтамоқда.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Парламент журналистлари клуби йиғилиши

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Парламент журналистлари клубининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда депутатлар, Парламент журналистлари клуби аъзолари, журналистика йўналишида тахсил олаётган талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати томонидан ушбу йўналишда фаолият юритаётган журналистларнинг ихтисослашувини чуқурлаштириш, касб малака ва маҳоратини ошириш, илғор тажрибаларини оммалаштириш мақсадида Парламент журналистлари клуби ташкил этилган. Қарийб уч йилдан буён фаолият юритаётган мазкур клубга қўйи палатада аккредитация қилинган журналистлар аъзо.

Клуб томонидан журналистларнинг билим ва

қўникмасини бойитиш, тахририятларда бу борада шакллانган тажрибаларни кенг оммалаштириш мақсадида мунтазам давра суҳбатлари, семинар ва мулоқотлар ўтказилмоқда. Бу парламент фаолиятини ёритишни такомиллаштириш, аҳолини депутатларнинг қонун ижодкорлиги соҳасидаги ишлари ва парламентнинг назорат-таҳлил фаолияти билан яқиндан таништириш, қонун лойиҳалари муҳокамасида жамоатчилик иштирокчини янада кенгайтиришга хизмат қилаётди.

Тадбирда парламент журналистикаси соҳасида эришилган ютуқ ва тажрибалар, парламентнинг назорат-таҳлил фаолияти ва қонун лойиҳалари юзасидан ўтказилаётган ишчи гуруҳлари йиғилишларини ёритиш самарадорлигини ошириш юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА).

Ижтимоий ҳимоя

Корхона иш бошлади

●●● Натижада 15 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди

Обод турмуш йилида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бу ўз навбатида қурилиш маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни ошишига олиб келмоқда. Шеробод туманида яқинда ишга туширилган «Сухроб-Соҳиб-Сардор» хусусий корхонасида 6 турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарилмоқда.

— Яқин-яқингача қурилиш ашёлари четдан келтириларди, — дейди **корхона раҳбари,**

ЎЗХДП аъзоси Баҳодир Қиличев. — Бу аҳолимизга талай қийинчиликларни тугдирарди. Халқимиз учун қулайлик яратиш мақсадида қурилиш бўёғи чиқаришни йўлга қўйдик. Маҳсулотларимиз сифатли ва арзонлиги билан мижозларга манзур бўлмоқда. Корхонамизда Қилқон маҳалласида яшовчи 15 нафар ёш ишляпти.

— Корхонанинг иш бошлагани маҳалладошлар учун аниқ муддао бўлди, — дейди Акбар Муҳаммадиев. — Шароитларимиз жуда яхши. Маошимиз кўнгилдагидек. Дам олиш, ҳордик чиқариш учун алоҳида хона мавжуд.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Осуда
ҲАЁТ

қадри



3

Инсон ҳуқуқи ҳимоясига бағишланди

Тошкентда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 65 йиллиги ҳамда Ички ишлар вазирлиги Инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси ташкил этилганлигининг 5 йиллигига бағишланган «Инсон ҳуқуқлари ҳимояси — ички ишлар органлари фаолиятининг муҳим йўналиши: миллий ва халқаро тажриба» мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтди.

3

Муқобил ЭНЕРГИЯ

манбаларидан фойдаланиш давр талаби



4

НОТЎҒРИ

овқатланиш, ичиш, чекиш

эндокринологик касалликларга сабаб бўлади

4

Кейинги сонларда

Партиянинг куч ва салоҳияти кўп жиҳатдан депутатлик гуруҳлари фаолияти билан белгиланади. Улар фаол ва ташаббускор бўлса, электорат манфаати самарали ҳимоя қилинади, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти юксалади.

Халқ депутатлари Бухоро вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎЗХДП депутатлик гуруҳларининг амалий ташаббуслари ҳақидаги мақола билан газетамизнинг кейинги сонларидан бирида танишишингиз мумкин.

«Ўзбекистон овози» газетаси
сайтида ўқинг

Ёшлар бандлигини таъминлаш

ижтимоий барқарорлиқнинг муҳим шартидир



Ўзбекистон Халқ демократик партияси

ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантириш, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини кенгайтириш орқали аҳолининг бандлик даражаси ҳамда реал даромадларини ошириш учун курашмоқда

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,

СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220

Муқобил ЭНЕРГИЯ манбаларидан

фойдаланиш давр талаби

Қарор ва ижро



Ўқилги-энергетика балансини диверсификация қилиш натижасида йилга бир миллиарддан ортиқ куб метр табиий газ тежаллади, электр энергияси ишлаб чиқаришда ўқилги сарфи 13 фоизга, атмосферага чиқадиган зарарли моддалар 10 фоизга камайд.

объектларнинг энергия билан таъминлаш борасидаги қатор муаммоларни ҳал қилиш имконини бермоқда.

Шунингдек, компания томонидан фармон ва қарор ижросини таъминлаш мақсадида бугунги кунда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ижтимоий соҳа объектлари, масалан, Фарғона ва Наманган шаҳарларидаги Меҳрибонлик уйлари, Андижон шаҳридаги «Камқонли болаларни соғломлаштириш уйи»га компания томонидан қуёш энергиясидан фойдаланувчи қурилмалар, фотоэлектрик панель ва коллекторлар ўрнатилди.

Бундан ташқари, қишлоқ врачлик пунктларининг электр таъминотини яхшилаш ва иссиқ сув билан таъминлаш мақсадида Хоразм вилоятининг айрим туманларидаги ўнта қишлоқ врачлик пунктларида электр энергияси ишлаб чиқарувчи қуёш мосламалари ўрнатилди. Шунингдек, Сирдарё иссиқлик электр

станцияси қорвачиллик комплекси суткасида 240 метр куб биогаз ишлаб чиқарувчи қурилма билан таъминланди. Хоразм электр тармоқлари корхонаси ва Навоий иссиқлик электр станцияси қорвачиллик комплексларида ҳам турли ҳажмдаги биогаз ишлаб чиқарувчи қурилмалар ўрнатиш ишлари бошлаб юборилди.

Бу каби тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 2015 йилда ўқилги-энергетика балансини диверсификация қилиш режалаштирилмоқда. Натижада йилга бир миллиарддан ортиқ куб метр табиий газ тежаллади, электр энергияси ишлаб чиқаришда ўқилги сарфи 13 фоизга, атмосферага чиқадиган зарарли моддалар 10 фоизга камайд.


Анжуманда таъкидландики, компания корхоналарида бириктирилган касб-хунар коллежларида муқобил энергия манбалари бўйича моддий-техник базани мустаҳкамлаш мақсадида компания томонидан қатор чора-тадбирлар

амалга оширилмоқда. Хусусан, Тошкент иссиқлик электр станциясига бириктирилган Қибрай энергетика касб-хунар коллежи, Бухоро электр тармоқларида бириктирилган Шофиркон санат ва ижтимоий-маиший касб-хунар коллежи, Тахиятош иссиқлик электр станциясига бириктирилган Тахиятош энергетика касб-хунар коллежи, Фарғона иссиқлик электр марказига бириктирилган Фарғона санат коллежидида ўқув лабораториялари ташкил қилиниб, фойдаланишга топширилган.

Бир сўз билан айтганда, қуёш, шамол, биогаз каби табиий ресурслар асосида ишлайдиган замонавий технологияларни кенг қўллаш истеъмолчиларни электр энергияси билан узлуқсиз таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Тадбирда соҳанинг масъул ходимлари томонидан журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.



●●● «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси томонидан «Истеъмолчиларга электр энергияси етказиб беришда қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш, энергия тежашга доир чора-тадбирлар ва эришилган натижалар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Унда «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Энергетика ва автоматика институтининг масъул ходимлари иштирок этди.

Бугунги кунда мамлакатимизда энергетика соҳасининг ўқилги-энергетика балансида қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оши-

рилмоқда. Бу борада табиий газдан фойдаланишни қисқартириш, атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилаётир. — Президентимизнинг 2013

йил 1 мартдаги «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2013 йил 1 мартдаги «Халқаро қуёш энергияси институтини ташкил қилиш тўғрисида»ги Қарорининг эълон қилиниши мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришга асос бўлди, — дейди «Ўзбекэнерго» ДАК раиси ўринбосари Рўзқул Раимов. — Ушбу фармон ва қарор қайта тикланувчи энергия манбаларининг ҳар-хил турларидан кенг миқёсда фойдаланиш, аynиқса, қишлоқ жойларида ёки бориш қийин бўлган олис ҳудудларда жойлашган

Матбуот тарқатиш тизими такомиллашмоқда

●●● Пойтахтимиздаги Алоқа тарихи музейида «Матбуот тарқатувчи» АК ҳамда «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ҳамкорлигида босма оммавий ахборот воситаларини арзон ва тез тарқатиш тизимини янада такомиллаштириш, хизматлар сифатини яхшилаш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ, «Матбуот тарқатувчи» АК масъул ходимлари журналистларни қизиқтирган саволларга атоқли жавоб қайтарди.

Ахборот коммуникация технологияларининг ривожланиши, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар босма оммавий ахборот воситалари ҳамда матбуот нашрларини тарқатиш ва ўз вақтида етказиб бериш билан шугулланувчи ташкилотлар зиммасига алоҳида масъулият юкламоқда.

Матбуот анжуманида «Матбуот тарқатувчи» АК ҳамда «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ

мутаасаддилари ушбу масалалар хусусида тўхталиб, олиб борилаётган ишлар тўғрисида ахборот берди.

Таъкидланганидек, «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналарда вақтли матбуот нашрларини истеъмолчига тез ва сифатли етказиб бериш ҳамда аҳолига қўшимча хизматлар тўхталиб, олиб борилаётган ишлар тўғрисида ахборот берди.

Таъкидланганидек, «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналарда вақтли матбуот нашрларини истеъмолчига тез ва сифатли етказиб бериш ҳамда аҳолига қўшимча хизматлар тўхталиб, олиб борилаётган ишлар тўғрисида ахборот берди.

— Президентимизнинг 2013

ларига мувофиқ, аҳоли гавжум ҳудудларга яна қўшимча 88 та, пойтахтимиздаги марказий қўчаларда эса 80 та янги типдаги «Матбуот» дўконлари очилди.

Шунингдек, тадбир давомида 2014 йил учун обунани ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишлар хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Муштарийларга қулайлик яратиш мақсадида 800 дан ортиқ «Матбуот» дўконлари орқали обунани расмийлаштириш ташкил қилинган, барча «Матбуот» дўконлари обунани расмийлаштириш ва каталоги билан тўлиқ таъминлангани қайд этилди.

Бугунги кунда обунани буюртмалари электрон кўринишда амалга оширилмоқда. 2014 йилда «Матбуот тарқатувчи» АК буюртмаларини электрон тарзда «Халқаро почта» филиалига тақдим этишни режалаштирган. Компаниянинг www.akmt.uz веб-сайти орқали даврий нашрларга обунани қилиш йўлга қўйилган.

Маълум қилинишича, барча тахрирлар 2014 йил учун обунанинг бориши ҳақидаги маълумотларни юқоридида келтирилган веб-сайтдан олишлари мумкин. Обунани билан боғлиқ натижалар тезкорлик билан сайтга киритиб боришмоқда.

Тадбир давомида «Матбуот тарқатувчи» АК ҳамда «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ фаолиятини янада такомиллаштириш, энг сўнгги янгиликларни соҳага жорий этиш билан боғлиқ тақлифлар билдирилди.

Нуралли ОРИПОВ

●●● Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамкорлигида «Эндокринология соҳасининг бугунги ҳолати ва истиқболлари» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Унда вазирлик ҳамда марказнинг масъул ходимлари, тиббиёт муассасалари вакиллари, олимлар, шифокорлар иштирок этди.

Нотўғри овқатланиш, ичиш, чекиш

эндокринологик касалликларга сабаб бўлади

Тадбир

Маълумки, замонавий тиббиётнинг асосий, устувор йўналишларидан бири огир тиббий илмий-амалий касалликларни ва улар асосларининг олдини олиш ҳисобланади. Чунки касалликнинг ҳар қандай тури давлат ва жамиятга катта моддий ва маънавий зарар келтириши мумкин. Айниқса, қандли диабет ўзининг оқибатлари билан жуда хавфли касаллик эканлиги маълум. Унинг кундан-кунга кўпайиб бориши, асосларини ногиронликка ёки ўлимга олиб келиши бутун дунёни ташвишга солмоқда. Ҳозирги кунда дунё бўйича бу касаллик билан 366 миллиондан зиёд инсон оғриган. Агар самарали чоралар қўрилмаса, 25 йилдан сўнг ҳар 6 одамдан бири қандли диабетга чалиниши мумкинлиги тахмин қилинмоқда.

Республикамизда қандли диабетнинг тарқалиш даражаси 5 фоизни ташкил қилади ва айни пайтда 135 минг 751 нафар бемор диспансер ҳисобида туради. Улардан 1292 нафари болалар ҳамда 553 нафари ўсмирлардир.

— Ҳозирда қандли диабетга чалинган беморларга даволаш ва ташхислаш ёрдамида кўрсатиш учун республикамизда 14 та диспансер, 505 та эндокринология хонаси, шу жумладан, 16 та болалар эндокринология хонаси фаолият кўрсатиб келмоқда, — дейди Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директори Саид Исмаилов. — Мамлакатимизда Ўзбекистон Эндокринологлар уюшмаси, Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида диабетнинг олдини олишга қаратилган ойликлар ташкил этиш аниқлаш, ўз вақтида даволаш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишдан иборат.

Тиббиётчиларнинг таъкидлашича, қўлаб йўналишлар каби эндокринологик хасталикларнинг келиб чиқишига соғлом турмуш тарзига риоя этмаслик, тўғри ва раціонал овқатланмаслик, ичиш, чекиш ва бошқа салбий иллатлар сабаб бўлаётир. Шунинг учун фуқароларда тиббий маданиятни ошириш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш эндокринологик касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда, шунингдек, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази олимларининг жаҳондаги нуфузли илмий марказлар билан ушбу касалликларнинг олдини олиш ва уни даволаш борасидаги ҳамкорлиги ҳақида маълумотлар берилди. Бундан ташқари, олиб борилаётган илмий изланишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтилди.

Тадбирда соҳанинг масъул ходимлари томонидан мавзу юзасидан журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди. (Ўз мухбиримиз.)

●●● Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган хайрия акциясида аҳолига ҳамда даволаш-профилактика муассасаларига 49 миллион 376 минг сўмлик дори-дармон ва тиббиёт анжомлари, санитария-гигиена воситалари, озиқ-овқат ва кийим-кечаклар топширилди.

Аҳоли саломатлиги доимий эътиборда

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида энг олис овулларда яшаётган аҳоли, жумладан, аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий-ижтимоий жиҳатдан қўлаб-қувватлашга йўналтирилган мазкур хайрия тадбири «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган «Саломатлик поездиди» борган шифокорлар томонидан амалга оширилди.

Бир ҳафта давом этган хайрия акциясида ўнта ихтисослик бўйича юқори малакали шифокорлар Кўнғирот тумани аҳолисини тиббий кўридан ўтказди. Муруват ва Меҳрибонлик уйлари, шифохоналар, туғуруқ мажмуалари, махсус мактаб-интернатларга амалий ёрдам кўрсатилди.

— Акция давомида 2 минг нафарга яқин аҳоли лаборатория текширувидан ўтди, — дейди «Соғлом авлод учун» жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси филиали директори Ўроғул Ембергенова. — Минг нафардан зиёд одам флюорография, ЭКГ ва ультратовуш кўригидан ўтказилди. Аниқланган хасталикларни даволаш бўйича зарур тавсиялар берилди.

Хайрия тадбири доирасида Қанлиқул, Шуманай ва Кўнғирот туманларидаги кам таъминланган, кўп болали оилаларга муруват ёрдами кўрсатилди.

А.ОРИКБОВ,
ЎзА мухбири.

ОБ-ХАВО 02-03 — 11. 2013

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

0 / +5 +10 / +15

Бухоро ва Навоий вилоятлари

+2 / +7 +13 / +18

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари

+2 / +7 +13 / +18

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари

+3 / +8 +15 / +20

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари

+1 / +6 +10 / +15

Тошкент шаҳри

+3 / +5 +13 / +15

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +14 / +11

Париж +16 / +13

Москва +9 / +9

Мадрид +19 / +16

Пекин +17 / +17

Канберра +21 / +17

Рим +20 / +20

Афина +23 / +24

Токио +21 / +23

Стокгольм +8 / +8

Кейптаун +21 / +23

Қоҳира +28 / +28

Гавана +31 / +27

Вашингтон +19 / +12

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILLOV
Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihiddin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farroh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament fuqliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-49-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoahtilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatandorlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kofitbiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
•Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1146
10338
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 22.15
Topshirilgan vaqti — 02.15

Sofuvida erkin narxda

Navbatchi:

Temur XUDOYBERDIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI